Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 14 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 45 (6941)

Da'vat

Қандай ҳолатда бўлишингдан қатъий назар, ўзингни шундай тутки, ақл ўрганмоқ учун бирор соатингни ҳам зое кетгазма, ахир ақлни нодондан ҳам ўрганиш мумкин.

ҚОБУС.

Ibrat

Нурота туманидаги 17 та турли корхоналар 300 нафар боғча тарбияланувчисига аъзолик бадалларини эллик фоизга қисқартириб беришди. Яъни улар аъзолик бадалининг тенг ярмига корхона ҳисобидан пул ўтказишмоқда.

БАЙРОҒИМИЗ ИСТАНБУЛДА ҲИЛПИРАДИ

Xalqaro olimpiada

Истанбулда бўлиб ўтган экологияга бағишланган Халқаро V олимпиадада Ўзбекистон жамоаси юксак натижа кўрсатдилар. Олимпидага 24 давлатдан келган 82 ўқувчи 50 иш (проект) билан қатнашишди. Икки кун давомида 21 нафар ҳакам 3 гуруҳга бўлиниб, инглиз тилида қилинаётган ҳимояларни холис баҳолаб, 25 тасини мукофотга тақдим қилишди. Беш нафар ўқувчи эса 1-ўринни олишга сазовор бўлди. Ўзбекистондан икки нафар ўқувчи алоҳида-алоҳида иш билан қатнашиб, Наманган ўзбек-турк ҳамкорлик лицейи ўқувчиси Нодирбек Ҳусаинов 1-ўринни, Андижон ўзбек-турк ҳамкорлик лицейи ўқувчиси Зиёйиддин Раҳматуллаев 3-ўринни эгаллади.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлигида ғолибларни ва уларнинг устозларини тақдирлаш маросими бўлди. Вазир Жўра Йўлдошев ғолиблар бўйнига олтин ва бронза медалларини тақиб қўяр экан, шундай деди: «Сизлар Ўзбекистонни жаҳонга яна бир бор танитдингиз. Сизни тарбиялаган, ўқишга қизиқтирган, вақтида руҳлантириб турган ота-онангизга раҳмат. Зўр устадан зўр шогирд чиқади, деганларидек, устозларингизга ҳам ташаккур айтамиз. Энди мақсад — анъанани давом эттириш. Шу нарсани унутмангки, билимли фарзандлари кўп мамлакатнинг хавфсизлиги ҳам бутун бўлади».

Ғолибларимиздан ғолиблик сири ва Туркия таассуроти ҳақида сўрганимизда Н. Ҳусаинов тўлқинланиб гапира кетди: «Биз Истанбулга тушишимиз биланоқ, бошқаларни автобусларда кутиб олишган бўлса, бизни енгил машиналарда олиб юришди. Ўзбекларнинг Туркияда қандай эъзозга лойиқлигини ана шунда чуқур ҳис қилдик. Ютуқларимиз сирини эса лицейдаги яхши шароит, ўқитувчиларимизнинг жонқуярлиги ва мустақил шуғулланишимиз учун яратилган муҳитда деб биламан».

Зиёйиддин ҳам ўз сафар таассуроти ва кўнглидаги ҳаяжонини яширолмади: «Ғолибликка эришиб, Ўзбекистонимиз Байроғи ҳилпираганда ғурур ва ҳаяжондан ўзимни тутолмай қолдим. Бизни ва Байроғимизни олқишлаб чапаклар чалишганида аъзойи баданим жимирлаб кетди. Чунки ҳали бундай олқишни кўрмаган эдим».

Баҳони ўзга беради. Ўқувчи ўзида мустақил фикрлаш ва мустақил ўрганиш малакасини ошириб борар экан, кучли билимга эга бўлади, ютуқларга ҳам эришаверади. Нима ҳам дердик, ғолибларга бундан кейин ҳам ғолиблик ва ютуқлар тилаймиз.

Улуғбек ОДИЛОВ.

СУРАТДА: олтин медаль соҳиби Н. Ҳусаинов (чапда) ва З. Раҳматуллаев.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

⊛ Тошкентда Германиянинг «Оуверсиз пост органайзейшин» нашриёти томонидан чоп этилган «Ислом Каримов Ўзбекистонни ўзига хос тараққиёт йўлидан олиб бормоқда» номли китобнинг тақдимномаси бўлиб ўтди.

⊛ Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида БМТнинг чўлга айланишига қарши кураш конвенциясининг бажарилиши бўйича ўтказилаётган минтақалараро конференцияда қурғоқчилик чўлга айланиш ҳамда ернинг деградациясига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлисида миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, пул-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ бир талай масалалар батафсил муҳокама қилинди.

JUMLADA JAHON

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркалари қўлланилишини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони чиқди.

⊛ Европа парламентлараро ассамблеяси раиси Лени Фишар хонимнинг маълум қилишича, Европа Кенгашига аъзо бўлиш учун ариза берган Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия ва Грузия давлатлари ичида Белоруссиянинг бу Кенгашга аъзо бўлиши гумон бўлиб қолмоқда.

⊛ Афғонистон пойтахти Кобул атрофида толиблар билан генерал Абдул Малик кучлари ўртасидаги тўқнашувларда Мозори Шариф шаҳрига ҳам бир неча бор ҳужум уюштирилишига қарамай ҳамон бу шаҳар Абдул Малик назорати остида турибди.

⊛ Чеченистон Президенти Аслан Масҳадов чечен ёзувини араб имлосига ўтказиш ҳақида қарор қилиб, шу йилнинг ўзидаёқ мактабларда таълимнинг араб ёзувида олиб борилишини йўлга қўймоқчи.

Tadbir

МУТАХАССИС ҚАДРИ БАЛАНД БЎЛСИН

Биз уч-тўрт йилдан бери туб ислоҳотлар ҳақида ботбот гапирамиз. Хўш, бу ислоҳларни аслида ким олиб бориши керак? Албатта, туб ислоҳдан ўтган, эскиликлардан қутулиб, янгича фикрлайдиган кадрлар. Бундай кадрлар эса умумтаълим ва олий ўқув юртларида тайёрланиши, шубҳасиз. Шундай экан, биз аввало ўқув юртларимизни юрт ўқув қайғуриб, Ватан туйғуси билан яшайдиган чинакам кадрларни тайёрлайдиган қутлуғ бир масканга айлантиришимиз зарур. Зеро, «миллий дастур» деб аталаётган иборанинг ҳам асл моҳиятларидан бири шудир.

Куни кеча Узбекистон Фанлар академияси Президентининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, давлат арбоблари қатнашишди. Мажлис давомида Узбекистон Фанлар академиясининг Президенти, академик Т. Жураев «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш юзасидан УзФАнинг чора-тадбирлари» мавзуидаги маърузаси тингланди. Маруза ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Шу боис ҳам маърузадан сўнг ўзаро фикрлашувлар, баҳс-мунозаралар қизиб кетди.

Кенгайтирилган йиғилишда УзФА бўлимлари, илмий-тадқиқот муассасаларига жорий йилнинг 25 июнигача фан йўналишлари бўйича умумлаштирилган маълумотлар, илмий кадрлар бошқармасига эса шу йил 20 августа қадар иқтидорли ёшларни 1998—2000 йилларда хорижий давлатлар илмий марказларига тажриба орттиришга юбориш режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилди.

Кенгайтирилган мажлис ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Орипов қатнашди.

Л. БЎРИЕВ, «Маърифат» мухбири.

Munosabat

ҲАММАМИЗГА ДАХЛДОР ИШ

Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида туб ислоҳот қилишнинг зарурият сабаблари нималардан иборат? Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида таълим тизими таркибий ўзгаришлари қандай бўлади? Тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълимнинг моҳияти нималарга қаратилган? Ана шу масалалар ҳақида Самарқанд савдо институти «Статистика ва иқтисодий таҳлил» кафедраси мудири, доцент Мамаюнус ПАРДАЕВ ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

— Таълим тизими ислоҳотини давр талаб этяпти. Шу боис Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I чақириқ саккизинчи сессиясида ва халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларида ҳамда «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини тузиш» комиссияси мажлисидаги нутқида мазкур масалани ҳар томонлама баён этиб берди. Таълим тизимида туб ислоҳотни амалга ошириш том маъноси билан ёш авлод ҳақида ғамхўрлик бўлиб, уларни келажакка пухта тайёрлашни кўзда тутади. Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимидаги ўзгаришлар амалга оширилгач, мактабни битирган ҳар бир ўғил-қиз шаҳодатнома билан биргаликда касб йўналиши бўйича ихтисосий ҳужжатга ҳам эга бўлади. Узлуксиз таълимнинг муддати 12 йил бўлиши кўзда тутилгандир. Ундан 9 йили мажбурий таълим бўлиб, бу босқичда ҳар бир ўғил-қизга умумий тўлиқсиз ўрта маълумот берилади. Шундан сўнгги босқич муддати 3 йил бўлиб, у ихтиёрий-мажбурийдир. Бу даврда ўқувчи ўз иқтидори ва қобилиятига кўра танлаган тегишли касби бўйича ўқишни давом эттиради.

Узлуксиз таълим тизимидаги бундай ўзгаришлар қилишга нималар сабаб бўлди, деган савол ҳам туғилиши табиий. Буни биз айрим далилларга таҳлилий мурожаат қилсак, жавобини яққол кўрамиз.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси ҳозир 23

(Давоми 3-бетда).

МУТОЛАА БОШЛАНДИ

Куни кеча Президентимиз И. А. Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини I-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси аъзоларига таништиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни билим юрти директори М. Исмоилова очиб, бу муҳим асарда республикамиз барқарорлиги шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари кенг ёритиб берилганлигини қайд этди.

Йиғилишда билим юрти ижтимоий фан асослари ўқитувчилари ҳам ўз фикрларини айтдилар. Президентимизнинг китобдаги «Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқадас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир», деган фикрлари барча педагог-ўқитувчиларни янада самарали ишлашга, фарзандлар таълим-тарбиясига бефарқ қарамасликка ундайди, дейишди улар.

Китобни барча фан ўқитувчилари синчиклаб ўқиб чиқишлари, ундаги фикрлардан таълим-тарбия ишларида фойдаланишлари йиғилишда алоҳида таъкидланди.

Х. УМУРЗОҚОВА.

Taklif, mulohaza

ДАРСЛИК ЎҚУВЧИ УЧУНМИ, ЎҚИТУВЧИ УЧУН?

Ён дафтарчамни варақлай туриб бир пайтлар ёзиб қўйганим донишманд Афлотуннинг лутфига мансуб «Уз ишингни қилгину ўзўзингни англаб ет», деган ҳикматга кўзим тушиб қолди. Буюк файласуфнинг ушбу ҳикматини такрор-такрор ўқидиму ўзим кўпдан бери шуғулланаётган илмий муаммонинг асл моҳиятини англаб етиш учун кўп ўйландим: янгича таълим нима?

Маълумки, Конституциямиз бўйича умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланган. Бироқ умумий таълим бериш кафолатланганми, яъни шу соҳанинг масъул кишилари ўз вазифаларини тўла-тўкис адо этяяптими?

Шу ўринда таълим жараёнининг бошланғич бўғинини қамраб оладиган 1—4-синфлар ўрганаётган айрим ўқув предметларининг ёзилишини қисман таҳлил этсак, жуда ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

М. Умарова. Ўқиш китоби: (тўрт йиллик бошланғич мактабларнинг 3-синфи учун дарслик. 2-нашри, Т., «Ўқитувчи», 1996, 224 бет.) Китоб халқ оғзаки ижодидан бошланиб, ёз манзараси ва меҳнат бўлимигача (ҳаммаси 12 та бўлим, 130 та тема) фақат баён, айрим ёзувчи, шоирларимиз ёзган шеър, ҳикоя, лавҳа каби битиклардан иборат. **Булар эса бошланғич синф ўқитувчисининг ўзи учун материал бўлиб хизмат қиладди, холос.** Шу сабаб китобни 3-синф учун дарслик, деб атасак ҳийла ҳаққимиз кетар-ов...

Е. Бельская бошлиқ гуруҳ томонидан тайёрланган Табиатшунослик («Ўқитувчи», 1994, 160 бет) ҳақида ҳам, Л. Левенберг раҳбарлигидаги муаллифлар битган «Математика...» («Ўқитувчи», 1996 й. 208 бет) тўғрисида ҳам айнан шу фикрларни айтиш мумкин.

Энг ёмони бу дарсликларда аниқлик ва умумийлик йўқ. Улар болаларнинг ёши, савиясини ҳисобга олиб тайёрланмаган. Агар дарсликларни тайёрлашда жажжиларимизнинг руҳи, дунёқараши ҳисобга олинганда эди, янгиланаётган таълим тизимимизнинг энг муҳим бир қисми бажарилган бўларди. **Дарсликлар асосида ўқувчилар ўзлари шуғулланишар, муаллимлар эса фақаттина бошқарувчилик қиларди.**

(Давоми 2-бетда).

ЭКСПЕРТ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

3-бет.

КОМЕТАЛАР ВА ҚУЁШ

4-бет.

Fikr

КАДРЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОР

Инсоният тараққиётининг барча поғоналарида таълим тизимининг ҳал қилувчи асосий омили ўқитувчи бўлиб келган. Ўқув режалари, адабиётлари, моддий техника асоси қанчалик такомиллашган бўлмасин, юксак маънавиятли муаллимларсиз халқ таълими олдига қўйилган вазифаларни бажариш мумкин эмас.

Мактабларимиз ана шундай ўқитувчиларга муҳтож бўлиб қолаётганини яширмайман. Туманимиздаги мавжуд 56 та мактабда 1995-96 ўқув йилида 69 нафар турли фан ўқитувчилари етишмаганини кузатдик. Бу ўқув йилида эса 55 нафар ўқитувчига муҳтожлигимиз сезилди.

Келгуси ўқув йилидаги тахминий ҳисобларимизга қараганда, турли фанлардан 95 нафар ўқитувчига зарурат сезаяпмиз. Ваҳоланки, Жомбой тумани мактабларини битириб, ўқитувчилик касби бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган 1—5-курс талабалари 132 нафарни ташкил этади. Шу йил диплом олиб, туманимизга келиб ўқитувчилик қилиши мумкин бўлганлари 32 кишини ташкил этса, ҳар ҳолда ёмон эмас.

Хўш, бу муаммони ҳал қилиш мумкинми? Бизнинг фикримизча, бунинг учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш мазмунини ўз ҳолича қолдириб, унинг шаклини бироз ўзгартириш керак. Тест синовлари орқали қабул қилишга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Бу усул адолатли ва ҳаққоний. Четдан таъсир этишнинг иложи йўқ. Лекин ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, маълум бир факультетларга, ихтисослик гуруҳларига талабгорлар кўп бўлди. Аксарияти пойтахт, вилоят пойтахтлари ва катта шаҳарлардан бўлаяпти. Чунки бу жойларда таълим савияси ҳам юқори, репетиторлар эса етарли. Ёшларнинг ўқитувчилик касбига қизиқиши суст. Агар «обрўли» ихтисосларга ўтиш бали 200 дан ортиқ бўлган бўлса, баъзи ўқитувчилик ихтисосларига ўтиш бали 90 га етмаганлигини ҳисобга олсак, бу ўз-ўзидан равшан. Демак, ўқитувчилик ихтисоси бўйича талаба қабул қиладиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан жойлардаги таълим органлари келишиб, талабалар қабул қилиш географиясига таъсир ўтказишлари керак бўлади. Акс ҳолда пойтахтдан ва катта шаҳарлардан кириб диплом олган ўқитувчи олис туман ва қишлоқларга бориб ишлаши муш-кул.

Бу масалани тезроқ ҳал қилиш учун вилоят ва туман халқ таълими бўлими, бошқармаларини фаол жалб қилиш вақти етди. Бунинг учун ҳар бир туман халқ таълими бўлими ҳар бир мактабда бўш ўқитувчилик ўрни учун бўлажак талаба конкурсини тегишли тартибда ўтказади. Унинг ота-онаси ва ўзи билан шартнома тузилиб, олий ўқув юртида ўқитиш учун маблағнинг маълум қисмини тўлашга ота-она, бир қисмига хўжалик ёки ҳомийлар жалб этилиб, мақсадли ўқишга юбориш керак. Албатта, бу жараёнда мактабнинг роли беқиёс бўлиши лозим. Чунки бўлажак ўқитувчининг лаёқати, характери, билимини мактаб жамоасидан яхши биладигани йўқ.

Облоқул ХОЛЖИГИТОВ, Жомбой тумани халқ таълими бўлими мудири, Республика халқ таълими аълочиси.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

УСТОЗЛАР ЙИҒИНИ

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Оталар чойхонаси»да «Устоз ва мураббий» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда бутун умрини мана шу фахрли касбга бағишлаган устозлар, мактаб ва болалар боғчалари раҳбарлари, эндигина мактаб остонасига қадам қўйган ёш мутахассислар, ТШХТББ ходимлари, С. Раҳимов туман ҳокимияти вакиллари иштирок этишди. Тумандаги 22-мактаб раҳбари, кекса педагог Х. Ҳошимов мураббийлик касбининг ажойиб сирлари ва бу касбга бўлган муҳаббатини йиғилганларга тўлқинланиб сўзлаб берди.

Узоқ йиллар давомидаги самарали меҳнатлари учун 29-мактаб ўқитувчиси О. Пўлатовага, 219-мактаб ўқитувчиси Г. Юсуповага, 298-мактаб ўқитувчиси М. Азимовага ТШХТББнинг «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони топширилди.

М. ШАМСИЕВА.

УНУТИЛМАС ТАНТАНА

Қутлуғ ёшини нишонлаш, босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилиш анъанасининг ҳам ўзига хос гашти бор.

Яқинда Навоий шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйининг ташкил топганига 30 йил тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда ушбу даргоҳда тарбия олаётган ёшлар қатори, республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам қатнашишди.

Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров сўзга чиқиб, ижодиёт уйи жамоасини табриклади ва ҳокимликнинг эсдалик совғасини топширди.

Ижодиёт уйининг «Гулруҳ» бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари ўз концерт дастурини намойиш этиб, кечага ўзгача файз киритди. Айниқса, тўгаракларда болалар кучи билан яратилган «Санъат асарлари» кўргазмаси кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

«ТИББИЁТНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ»

Шундай номланган кўрик-танлов Чортоқ туманидаги 31-ўрта мактабда ўтказилди. Унда тумандаги барча мактаблардан ўқувчилар қатнашишди.

Кўрик-танловда ўқувчилар Қизил Хоч, Қизил Ярим Ой жамиятларининг тарихи, доривор ўсимликлар, экология ва шахсий гигиена бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Бу тадбир давомида ўқувчилар тиббиётга, экологияга қизиқишлари катта эканлигини яққол намоён қилишди.

Ў. МЎМИНОВ.

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили						Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Навоий шаҳри	335	41.50	5	393	48.30	2	226	36.20	3	256	41.62	2
2	Зарафшон шаҳри	27	32.61	10	165	48.75	1	24	34.84	5	127	39.92	3
3	Учқудуқ шаҳри	9	35.49	8	40	44.86	4	9	43.52	1	28	38.69	5
4	Навоий тумани	395	43.07	4	38	47.73	3	198	35.27	4	24	39.35	4
5	Томди тумани	15	21.11	11	6	29.63	10	15	25.74	9	6	37.50	6
6	Учқудуқ тумани	1	38.89	7	2	41.67	6	0	0.00	0	0	0.00	0
7	Нурота тумани	312	45.29	3	15	35.56	8	175	38.67	2	9	32.41	8
8	Қизилтепа тумани	555	48.62	1	27	41.77	5	283	34.30	6	16	34.55	7
9	Хатирчи тумани	547	45.46	2	27	38.37	7	233	32.00	7	10	31.94	9
10	Конимех тумани	82	33.57	9	55	35.10	9	50	24.83	10	40	29.44	10
11	Навбаҳор тумани	413	41.38	6	4	28.47	11	225	31.23	8	1	69.44	1

	Шаҳарлар ва туманлар	Физика						Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Навоий шаҳри	180	26.22	6	179	28.27	3	33	56.73	3	37	39.64	5
2	Зарафшон шаҳри	14	27.98	3	69	28.38	2	0	0.00	0	20	61.81	1
3	Учқудуқ шаҳри	7	40.08	1	26	26.28	4	0	0.00	0	9	50.00	2
4	Навоий тумани	139	26.50	5	16	28.82	1	66	53.16	5	2	33.33	6
5	Томди тумани	5	18.89	10	4	22.22	9	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Учқудуқ тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	1	55.56	4	2	40.28	4
7	Нурота тумани	114	25.80	7	7	22.62	8	50	45.22	7	3	20.37	9
8	Қизилтепа тумани	132	28.20	2	10	25.83	5	120	57.22	2	4	29.86	8
9	Хатирчи тумани	118	27.28	4	7	25.00	6	144	59.10	1	6	44.91	3
10	Конимех тумани	33	22.90	9	26	22.86	7	13	36.75	8	6	30.56	7
11	Навбаҳор тумани	162	24.76	8	1	13.89	10	71	50.63	6	0	0.00	0

Davlat test markazi tahlili

НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистонимизнинг келажагини яратадиган, буюк ишларни давом эттира оладиган ёшларни тарбиялаш, уларга замонавий билимлар бериш долзарб вазифа ҳисобланади. Бундай улкан вазифаларни амалга ошириш учун қўлга киритилган ютуқлар, хато ва камчиликлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш керак. Тестнинг чуқур таҳлили қўлга киритилган ютуқларимиз қаторида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам кўрсатади. Бу ўз вақтида ютуқларни янада мустаҳкамлашга, камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилади. Газетамизнинг бугунги саҳифасида Навоий вилоятидан 1996 йилда тестларда қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг натижалари жадвал ва гистограммалар кўринишида берилди. Навоий вилоятининг натижаларини Республиканинг ўртача самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаш қуйидагиларни берди:

Ўқиётган	Абитуриентларнинг самарадорлик (%)
Узбек тили ва адабиёти	43,91
математика	33,95
физика	26,24
биология	54,05
кимё	38,66
тарих	48,03
география	49,56
инглиз тили	33,04
немис тили	23,70
француз тили	26,83

Юқорида келтирилган жадвалга эътибор берилса, Навоий вилоятидан тестда қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари география фанидан ташқари барча фанлардан Республиканинг ўртача кўрсаткичларидан паст эканлигини кўриш мумкин.

Туман ва шаҳарларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили қуйидагилардан иборат:

Ўрни	Туманлар ва шаҳарлар	Самарадорлик (%)
1	Навоий шаҳри	45,41
2	Зарафшон шаҳри	40,65
3	Учқудуқ шаҳри	27,43
4	Навоий тумани	54,64
5	Томди тумани	42,82
6	Нурота тумани	51,22
7	Қизилтепа тумани	43,33
8	Хатирчи тумани	38,81
9	Конимех тумани	27,26
10	Навбаҳор тумани	29,26

Қизилтепа, Хатирчи, Нурота туманлари ўзбек тили ва адабиётидан; Учқудуқ, Навоий шаҳарлари ва Нурота тумани математикадан; Учқудуқ шаҳри, Қизилтепа, Хатирчи туманлари физикадан; Хатирчи, Қизилтепа туманлари ва Навоий шаҳри биологиядан; Зарафшон шаҳри, Қизилтепа, Хатирчи туманлари тарихдан; Навоий, Хатирчи, Қизилтепа туманлари географиядан; Зарафшон, Навоий шаҳарлари, Қизилтепа, Нурота туманлари инглиз тилидан; Хатирчи, Нурота туманлари ва Навоий шаҳри немис тилидан; Навбаҳор, Нурота ва Навоий туманлари француз тилидан эришган самарадорлик кўрсаткичлари вилоятнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан бироз юқори, лекин кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ жуда кам.

Хулоса қилиб айтганда Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари таълим жараёнини такомиллаштириш, ислоҳ қилишнинг энг самарали йўлларини излашлари, тест натижаларини чуқур ўрганиб, тегишли чора ва тадбирлар кўришлари лозим.

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё						Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Навоий шаҳри	33	45.88	1	43	34.82	7	90	48.09	4	121	40.43	4
2	Зарафшон шаҳри	10	21.11	9	68	36.85	6	3	51.85	1	20	42.78	3
3	Учқудуқ шаҳри	1	0.00	11	6	41.67	5	0	0.00	0	6	31.02	8
4	Навоий тумани	67	35.07	7	5	26.11	9	146	47.26	6	13	40.38	5
5	Томди тумани	10	20.28	10	1	22.22	10	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Учқудуқ тумани	1	36.11	6	1	58.33	4	0	0.00	0	0	0.00	0
7	Нурота тумани	54	37.09	5	1	77.78	1	106	47.88	5	4	44.44	2
8	Қизилтепа тумани	123	38.32	4	1	58.33	3	236	49.92	2	8	57.64	1
9	Хатирчи тумани	144	42.65	2	3	65.74	2	214	49.56	3	11	33.59	6
10	Конимех тумани	15	25.74	8	7	28.17	8	26	33.76	8	18	33.18	7
11	Навбаҳор тумани	60	41.81	3	0	0.00	0	144	45.87	7	3	19.44	9

	Шаҳарлар ва туманлар	География						Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Навоий шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	38	38.67	2	99	49.19	3
2	Зарафшон шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	3	45.37	1	22	45.58	6
3	Учқудуқ шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	1	16.67	9	2	59.72	1
4	Навоий тумани	2	52.78	1	0	0.00	0	53	32.23	5	14	45.63	5
5	Томди тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Учқудуқ тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0
7	Нурота тумани	5	47.78	4	0	0.00	0	30	34.81	4	1	25.00	9
8	Қизилтепа тумани	6	48.15	3	0	0.00	0	98	36.37	3	10	48.61	4
9	Хатирчи тумани	6	51.39	2	0	0.00	0	51	31.05	6	2	30.56	8
10	Конимех тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	18	29.17	7	7	51.19	2
11	Навбаҳор тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	62	27.15	8	1	30.56	7

	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили						Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Навоий шаҳри	40	24.17	3	16	29.34	2	12	24.07	6	5	46.67	1
2	Зарафшон шаҳри	0	0.00	0	2	54.17	1	0	0.00	0	0	0.00	0
3	Учқудуқ шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0
4	Навоий тумани	61	22.22	6	1	27.78	4	20	26.53	3	0	0.00	0
5	Томди тумани	0	0.00	0	1	27.78	3	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Учқудуқ тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0
7	Нурота тумани	31	25.36	1	0	0.00	0	44	28.09	2	3	37.04	2
8	Қизилтепа тумани	52	22.28	5	1	25.00	5	21	24.07	5	0	0.00	0
9	Хатирчи тумани	102	24.40	2	11	23.74	6	56	25.74	4	0	0.00	0
10	Конимех тумани	0	0.00	0	1	22.22	7	2	19.44	7	1	36.11	3
11	Навбаҳор тумани	14	22.62	4	0	0.00	0	47	29.73	1	2	25.00	4

ДАРСЛИК ЎҚУВЧИ УЧУНМИ, ЎҚИТУВЧИ УЧУН?

(Боши 1-бетда).

Таълим жараёнига шахснинг аниқ фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган билимлар асосида ёндашадиган бўлсак, энди ёппасига бир хил ўқув предмети, дастур, режа асосида ўқитиш ишини ташкил этиш умуман мантиққа тўғри келмайди. Ҳеч бўлмаса, неча-неча асрлардан буён айтилиб келинаётган қоида, ҳамма инсонларнинг бир-биридан тўлиқ фарқ қилишига ишонайлик.

Нуқтаи назаримча, шахсни шакллантириш ёппасига эмас, балки алоҳида аниқлик билан умумлаштириш муаммосини келтириб чиқармоқда. Агар ушбу хулосамизга ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, илмий тадқиқот соҳамизга ҳам эътибор қаратсак, баъзи бир аниқлаштирадиган муаммоларимиз борлиги ойдинлашади. Илмий тадқиқотга ҳам бир жабҳа сифатида қарайдиган бўлсак, унда ҳар бир бошланадиган илмий тадқиқотда айнан олинган амалий фаолият соҳасининг бошланиши ва охири бир бутун аниқлик ҳолида умумлашиши лозим. Айтиш мумкинки, қачонгача педагогика ва психология фанлари тармоғи ўз қонуният ва асосий тушунчаларидан келиб чиқмай, умумий (оила, ишлаб чиқариш, миллат, халқ каби) тушунчаларга оид тадқиқотларни ўзи билгандай амалга оширади.

Дарҳақиқат, педагогика ва психология фанида олиб бориладиган тадқиқотлар шахсларга, ҳаётга оид бўлмаслигини зарурат, деб уйлаймиз. Балки ўқув китобларига оид бўлса нур устига аъло нур бўларди. Бинобарин, шахснинг ҳаётий ва шахсий муаммоларига алоҳида қарайдиган бўлсак, у ҳолда ҳамма шахс учун ҳаётда алоҳида тадқиқот керак бўлади. Демак, бу хулосамиздан келиб чиқадиган таклиф шуки, ҳар бир шахс ўзини ўзи англаши учун ўзлари ўз устиларида ишлашлари ва янги-янги амалий натижаларга интилишлари даркор. Чунки табиий жараён шуни тақозо этади.

Демак, савол туғилади: айнан шахснинг ўзини ҳам ўрганиш шарт эмасми? Шарт!

Лекин бу жараён ҳам маълум қонун-қоида, яъни аниқ ишончли таҳлиллар билан олиб борилсагина фойдали бўлади. Кузатиш ва айрим таҳлилларимизнинг натижаси психология фанлари доктори, профессор Б. Қодиров раҳбарлигида олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижасига мос келаяпти. Шундай долзарб устивор тадқиқотлар ҳам зарур. Лекин аниқланган бу шаклдаги шахсларга мос мазмун (предмет, дастур, режа)лар яратиш лозим бўлмоқда. Шунда натижа янада ишончли ҳал бўлади.

Борди-ю, шу эришилган хулосаларимиздан келиб чиқиб, шахс фаолиятига ёндашадиган бўлсак, у ҳолда унинг фаолиятининг муаммоси фақат илм (англаш) билан ҳал этиладиган жараён бўлиб қолади. Англаш эса ўқишга боғлиқ. Ўқиш воситаси эса китобдир.

Қарашларимизнинг кўрсатишича, ўқув китобларига боғланган тадқиқотлар фан тармоқларининг мантиқи билан аниқ умумлашиб, ўқув предметлари дастур ва режа асосида ўқувчи ўрганиши, эгаллаши мумкин бўлган амалий фаолиятга уйғунлашса, фалсафий қонуниятлар ва категорияларга мослик юзага келади. Фикримизча, шунда шахснинг ривожланиши, тарбияланиши ва шаклланиши: ирсият, муҳит тарбияси (амалий фаолият ахлоқи) мос эътиқод ва дунёқарашга боғланади. Таълим узвийлиги келиб чиқади.

Аминмизки, бир хил ўқиш, бир хил ҳунар ўрганишдан тезроқ қутулсак, жаҳон андозаларига мос таълим жараёнини узлаштириш биз учун анча осон кечарди.

Қаюм БОЙМИРОВ,
педагогика фанлари номзоди.

Xorijda ta'lim

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш ва уни амалга ошириш борасида кенг қамровли ҳаракатлар бўлаётганлигидан хабарингиз бор. Албатта бу ишда, яъни мукаммал дастурга эга бўлиш учун миллий анъаналаримиз билан бир қаторда хориж таълимининг ибратли жиҳатлари ҳам асқотиши, шубҳасиз. Шу боис, газетамизнинг ўтган сонидан бошлаб, муштарийларимизни хориж таълими билан имкон қадар таништириб боришни ният қилдик.

АМЕРИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМИ

АҚШда мактабни битирган ўқувчи университет ёки коллежда ўқишни давом эттириши мумкин. Олий ўқув юртида таълим тўрт йил давом этади. Битирувчи талаба Bachelor of Arts (BA) (ижтимоий ва аниқ фанлар бўйича бакалавр) ёки Bachelor of Sciences (BS)(илмлар бўйича бакалавр) илмий даражасига эга бўлади. Бизнинг таълим тизимимизда бу беш йиллик ўқишдан сўнг олинадиган дипломга тўғри келади. АҚШ университетларида хорижий давлат фуқаролари ҳам ўқиши мумкин. Абитуриент «undergaduate» (талаба) босқичидан таълим ола бошлайди. Агар талаба 1-, 2- ва 3-курсда ўқиётган бўлса, у ҳолда ўқишга «transfer student» (илмгоҳдан илмгоҳга кўчган талаба) сифатида қабул қилинади. Талабанинг қайси курсга қабул қилинишини унинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилгач, университет ёки коллеж томонидан аниқланади.

* * *

Тўрт йиллик таълимдан ташқари яна АҚШ олий таълим тизимида аспирантура босқичи ҳам бор. Аспирантурада икки йил ўқилгач, «Master of Arts» (MA) (ижтимоий ва аниқ фанлар устаси) ёки «Master of Sciences» (MS) (илмлар устаси) илмий даражалари олинади. АҚШ олий таълим тизимидаги энг баланд илмий унвон «Doctor of Philosophy» (Phd) (фалсафа фанлари доктори) ҳисобланади. «Phd» одатда аспирантурада уч йиллик дастур бўйича ўқиб, илмий тадқиқот диссертацияси ёқлангач берилади. «Phd» унвони олим бўлишни истовчилар ҳамда илм-фан билан шуғулланувчилар учун зарур. «MA» ёки «MS» илмий даражалари эса ўзини амалиётда синаб кўрмоқчи бўлганлар учун етарли ҳисобланади.

* * *

Олий маълумот ҳақидаги дипломи бўлган талабалар аспирантурага киришлари мумкин. Фан номзодлари ҳам бу босқичда таълим олишлари мумкин, бироқ улар икки-уч йиллик дастур бўйича қайта ўқишлари зарурми ёки йўқми, аниқлаб олишлари керак. Илмий изланиш олиб бораётган фан номзодлари университетлар билан келишган ҳолда ўз тажрибаларини орттиришлари мумкин.

Интернет асосида О. ҲАКИМОВ тайёрлади.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

УЙҚУСИЗ КОСМОНАВТЛАР

Ҳар 45 минутда қуёшнинг ботиб чиқишини кузатадиган космонавтлар ҳафтасига 15 соат уйқудан айрилар эканлар. АҚШ миллий космик агентлиги «уйқу дориси» — сунъий мелоталин тайёрлашга киришдилар. Олимлар шу йўл орқали нафақат космонавтлар, балки қарияларни ҳам тўйиб ухлайдиган қилмоқчилар.

КУЛГИГА НИМА ЕТСИН

Кулги одамнинг иммунитетини мустаҳкамлайди. Кулги пайтида 80 дан ортиқ турли мускулларнинг ҳаракатга келиши мияга кислород етказилиш жараёнини ва натижада мия фаолиятини яхшилайди. Америкалик психолог Пол Экман 25 йиллик тадқиқотлари самараси сифатида ана шундай илмий далилни эълон қилди.

ЭҲТИЁЖДАН ИХТИРОГА

Табиатга зарар етказмайдиган этанол спирти билан ҳаракатланувчи автобус Швецияда ишлаб чиқарилди. Иқтисодчи олим Бенгт Сэвбарк мамлакатда техник спиртлар — метанол, этанол сотувига солиқни бекор қилишни таклиф қилди. Унинг фикрича, спиртнинг оммавий равишда автомобиль ёқилғиси сифатида ишлатилиши 2010 йилга келиб Швецияда ҳавога чиқарилаётган заҳарли газларнинг 10 фоиз камайишига олиб келади.

25 СОАТЛИ СУТКА

АҚШдаги бир нечта университет астрономларининг ҳамкорликда ўтказган изланишлари ниҳоясига етди. Коинотшуносслар сутканинг ўзгариб туришини чуқур ўрганиб чиқиб, бундан 900 миллион йил илгари ер суткаси 18 соат бўлганлигини аниқлашди. Маълумки, сутка ер шарининг қуёш билан бўлган таъсири натижасида пайдо бўлади. Олимлар бир-икки асрдан кейин ойнинг ердан узоқлашиши ҳамда бир қатор ўзгаришлар сабабли бир кун 25 соатгача узайиши мумкин, деган фаразни илгари суришмоқда.

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz ?

ОТА-ОНАЛАР ҲИММАТИ

Тайлоқ туманидаги Ҳамид Олимжон номли 2-ўрта мактаб жамоаси бозор муносабатлари қийинчиликларига қарамай Самарқанд вилоятида биринчилардан бўлиб мактабни жорий таъмирлаш ишларини тугаллади. Мактабда мавжуд бўлган 38 та синф хонаси, 420 та парта, 90 та стул, 90 та стол, 40 та синф партаси, шунингдек, 45 та кўргазмали қурол, 325 та дарслик китоб таъмирдан чиқарилиб, яроқли ҳолда келтирилди. Жами 15 минг квадрат майдон оҳак билан оқланди.

Мактабга Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Турсунпўлат Ўрунов шахсан 80 кг рангли бўёқ ҳадя этиб, жорий таъмирга ўз улушини қўшди. Шунингдек, бу ишларда «Давлатобод» жамоа хўжалигининг раиси Р. Шароповнинг ҳам катта ҳиссаси борлигини айтиш жоиз.

Мактабни бошдан охиригача таъмирлаш ишида мактаб директори Марс Ҳўжаев (44 йилдан бери шу мактабда ишламоқда) намуна кўрсатиб, бош-қош бўлди ҳамда унга ўқитувчилардан Абдуҳаким Султонмуродов, Абдусамад Эрбоев, Мустафо Остонов, Дилшода Остоновалар яқиндан ёрдам беришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таъмирлаш ишларига Абдуманноп Сафаров бошлиқ оқсоқоллар, шунингдек, ота-оналардан иборат 5 нафар усталар гуруҳи кўмаклашдилар.

Шавкат САДРИДДИНЗОДА,
Самарқанд ВПХМОИ педагогика ва психология кафедрасининг катта ўқитувчиси.

МАЪРУЗАЛАР ТИНГЛАНДИ

ТошДУ қошидаги Олий педагогика институтида «Бозор иқтисодиёти шароитида мутахассис кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологияларнинг ўрни» мавзуси бўйича бир ҳафталик семинар ўз ишини якунлади. Семинар давомида «Мустақил Ўзбекистон Республикасида педагогик технология таҳлилига асосланган янги илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари», «Янги педагогик технологияларнинг илмий асослари», «Педагогика ва психология фанларини миллий-маънавий қадриятлар талаблари асосида ўқитиш вазифалари», «Миллий мустақиллик шароитида педагогик технологияларни илмий-услубий такомиллаштириш ва ташкил этишнинг педагогик асослари», «Янги педагогик технологияларни таълим амалиётига жорий этишнинг илмий-услубий асослари» каби мавзулардаги маърузалар эшитилди ва қизғин муҳокама қилинди.

Тадбирда Президент девони, вазирликлар, олий ўқув юртларининг вакиллари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг етук олимлари иштирок этишиб, давра суҳбатларида фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Семинар қатнашчиларининг саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Т. ГАЙБУЛЛАЕВ.

Sharh

ЭКСПЕРТ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Умумий таълим мактаблари учун яратилаётган дастурлар мукаммалми? Улар ўқувчининг дидига, дунёқарашига мос нималар бермоқда? Дарсликларнинг барчаси бекаму кўстми? Шу каби муаммоларни назарда тутиб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда: «Дарсликларни ким назорат қилади?» деган масалани ҳам кўндаланг қўйди.

Президентимиз қўйган масалани изчил ҳал этиш мақсадида Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлиси «Дарсликлар бўйича эксперт кенгаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ҳайъат мажлисида таъкидланишича, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда халқимизнинг миллий анъаналари, қадриятлари, улкан халқ педагогикаси ҳамда бой тажрибасига суяниб, дарсликларнинг замонага мос турлари вужудга келди. Жумладан, ўтган беш ярим йил мобайнида 94 номдаги янги дарсликлар ва қўлланмалар чоп этилган бўлиб, уларнинг 83 таси асосий ҳамда 11 таси қиёсийдир. Шунингдек, 1996-97 ўқув йилидан таълим-тарбия ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг биринчи синфлари ўқувчилари янги алифбода ўқишни бошлаганликлари ҳисобга олиниб, улар учун 9 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр қилинди.

Бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган дарсликларнинг савияси талаб даражасида эмаслиги сезилиб қолмоқда. Дарсликларни экспериментдан ўктазишда етти ўлчаб бир кесилмаяпти. Республика таълим маркази қошидаги илмий-методик кенгашлар фаолиятида юзакилик, шошма-шошарлик мавжуд.

Мажлисда бундай камчиликлар билан муроса қилиб бўлмаслиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Дарсликлар мазмунли, сифатли бўлиши, жаҳон андозаларига мумкин қадар яқинлашиш кераклиги мажлис иштирокчилари томонидан яна бир бор тан олинди.

Ҳайъат мажлиси масалани атрофлича муҳокама этиб, 6 банддан иборат махсус қарор қабул қилди. Қарорда вазирлик қошидаги Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси негизида дарсликлар бўйича эксперт Кенгаш ташкил қилиниши қайд этилди.

Ҳайъат мажлиси «Дарсликлар бўйича эксперт Кенгаши тўғрисида муваққат Низом»ни ҳам тасдиқлади. Унда умумий қоидалар, Кенгашнинг мақсад ва вазифалари, қўлёзмаларни кўриб чиқиш тартиби, эксперт Кенгашнинг ташкилий тузилмаси белгилаб берилган.

Қарорнинг муҳим бандларидан яна бири Республика таълим маркази жамоаси фаолияти билан боғликдир. Марказ директори Ғ. Шоумаровга низомда белгиланган тартиб ва муддатларда сифатли қўлёзмаларни топшириш, бир ой муддат ичида марказ қошидаги илмий-методик Кенгашлар таркиби ва фаолиятини жиддий қайта кўриб чиқиш, шу йилнинг 1 июлига қадар барча турдаги таълим муассасалари ва ўқув юртлари учун қўлланмалар, ўқув адабиётлари бўйича эксперт кенгаш тузиш, унинг низоми, таркиби бўйича таклифлар тайёрлаш вазифалари топширилди.

ҲАММАМИЗГА ДАХЛДОР ИШ

(Боши 1-бетда).

миллион кишидан зиёд. Аҳолининг 5,2 миллионини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Бу умумий аҳолининг 22,6 фоизи мактабларда таълим олаётганини кўрсатади. Ана шу ўқувчилардан 455 минг киши 9-синф битирувчилари бўлиб, улар республика аҳолисининг 2 фоизидан зиёдини, бутун ўқувчиларнинг эса 8,8 фоизини ташкил этади. 9-синф битирувчиларидан 250 мингга яқини ҳозирги пайтда 10-синфда ўқишни давом эттираяпти. Қолган 200 мингдан зиёд бола эса узлуксиз таълимдан четда, соддароқ қилиб айтганда кўчада қолаяпти. Ана шу ёшдаги ўсмирни эътибордан четда қолдириш мумкинми? Ахир, бу даврда бола ҳали шаклланмаган, бирор ихтисосий касбни эгалламаган бўлади. У қандайдир ўтиш даврини бошидан кечиришга мажбурдир. Ҳолбуки, бу ёшдаги ўсмирларга ҳар жиҳатдан катта эътибор талаб қилинади. Жамиятимиз келажаги бўлган бу ёшлар илми ва маънавияти, тарбияси билан ким шуғулланиши керак? Уларнинг комил инсонлар бўлиб етишиши кафолатини ким зиммасига олиши зарур? Ана шу саволларга, бизнингча, Инсон манфаатлари йилида амалга оширилишга киришилган тадбир — узлуксиз таълимнинг туб ислоҳоти жавоб беради.

Таълим тизими босқичларидаги туб ўзгариш 9-синфдан кейинги мажбурий-ихтиёрий уч йиллик ўқишдир. Мажбурийлиги шундаки, 9-синфни битирган ҳар бир ўғил-қиз, албатта яна уч йил ўқиши зарур. Ихтиёрийлиги шундаки, мазкур уч йил ўқиш даврида ўқувчи қайсидир касб-ҳунарни ўзи танлаб ўрганиши керак.

Таълим тизими босқичидаги бу ўзгариш ўқиш жойларини минтақавий ҳисобга олишни ҳам тақозо этади. Ҳозирги пайтда техникумлар, коллежлар, ҳунар-техника билим юртларининг аксарияти пойтахт ва вилоят марказларида жойлашган. Ислоҳот амалга оширилгач, ихтисосларга бўлган талаб ва эҳтиёжга кўра янги турдаги ихтисосий ўқув юртлари минтақаларда жойлашади. Масаланинг бундай қўйилиши кўплаб тадбирларни амалга оширишни ҳам талаб қилади. Бу тадбирлар асосан давлат ҳамда вилоят ва туманлар миқёсида амалга оширилади.

Давлат миқёсида, биринчидан, узлуксиз таълимни такомиллаштиришнинг миллий дастури ишлаб чиқилса, иккинчидан, уч йиллик ихтиёрий мажбурий таълим учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласи ҳал этилиши маъқулдир. Вилоят ва туманларда эса мажбурий-ихтиёрий таълим мактаблари учун бинолар ва бошқа моддий-техника базасини ташкил қилиш тадбирлари амалга оширилади. Буларни тегишли маблағлар билан таъминлаш йўлларини излаб топиш ва зудлик билан амалий ишларга киришиш лозим.

Биз уч йиллик ўқув босқичида ўғил-қизларни фақат оддий касб эгаллаш учун таълимни ташкил қилмаслигимиз керак. Шунга эришайликки, ана шу даврда ҳар бир ўқувчи ихтисосни пухта эгаллаш билан биргаликда маънавий ва маърифий, жисмоний камол топсин.

Ҳозирги даврда, яъни узлуксиз таълимнинг илгариги тизими давом этаётган пайтда 11-синфни битираётганларнинг муаммолари ҳам талайгина. Бу битирувчилар ҳар йили ўрта ҳисобда 250 минг ўғил-қизни ташкил қилади. Улардан фақат 10 фоизигина олий ўқув юртларига киради. Хўш, қолганлари нима қилиши керак? Улар эски дастурлар асосида таълим олишган ва айни пайтда маълум касб-ҳунар эгаси ҳам эмас. Бизнингча, битирувчиларнинг бир қисми олий ўқув юртларига битим асосида пуллик ўқишга киргани, бир қисми эса коллеж, техникум сингари ўқув юртларида таълим олиши мақсадга мувофиқ. Бироқ бу билан барча масала ҳал бўлмайди. Битирувчиларнинг маълум бир қисми кўчада қолаверади. Мазкур муаммони ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли ана шу ёшларга мос иш жойларини ташкил қилишдир. Бу ҳақда, айниқса, маҳаллий ҳокимликлар жиддий ўйлашлари, масалани ижобий ҳал қилишнинг муқобил йўлини топишлари керак.

Қисқа қилиб айтганда бугун ёшларимизни келажакка тайёрлаш учун билим ўчоқларига тамал тоши қўйилмоқда. Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, XXI аср ўзбек мактабининг миллий қиёфаси ва шуҳрати шунчалик юксак бўлади. Бу эса ҳаммамизга дахлдор ишдир.

АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИ КИМЛАР РИВОЖЛАНТИРАДИ?



Жиззах политехника институти жамоаси вилоят халқ хўжалигига малакали мутахассислар тайёрлаб бериш борасида тинмай меҳнат қилмоқда. Институт 1977 йил ташкил топган бўлиб, бу йил 20 ёшини қаршиламоқда.

Ҳозир институтда тўртта факультет мавжуд. Булар «Қурилиш муҳандислиги», «Муҳандислик иқтисодиёти», «Автомеханика» ва «Кимё-технология» факультетларидир. Институтнинг «Автомеханика» факультетида 296 нафар талаба билим олмоқда. Талабалар «Транспорт воситаларини ишлатиш», «Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги», «Юк ташишни ташкил қилиш ва транспортни бошқариш», «Агро инженерлик», «Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш», «Информатика ва ҳисоблаш техникаси», «Тўқимачилик ва енгил саноат технологияси» мутахассисликлари бўйича таълим олишмоқда.

Факультет жамоаси республикамиздаги кўпгина университет ва институтлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Факультет декани Р. Исломов билими ва кўп йиллик тажрибаси асосида бу ердаги кўпгина ибратли ишларнинг ташаббускори бўлмоқда.

Суратларда: институт ҳаётидан лавҳалар.

Зафар ҚАРШИЕВ.

Munozara uchun mavzu

ЎҚУВЧИНИ КИМ ЕТАКЛАЙДИ?

Республика халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 23 август қарори билан «Умумтаълим мактабларининг болалар етакчиси Низоми» тасдиқланган эди. Низомда «Болалар етакчиси — мактаб болалар ва ўсмирлар уюшмасининг ташкилотчиси ва тарбиячиси сифатида синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб боради» дейилган. Бу Низомга кўра, мактабда болалар ва ўсмирлар уюшмаси — «Ниҳол» фаолият кўрсатиши керак. Лекин «болалар етакчиси», «Ниҳол» сўзларининг мантиқий ва лўғавий маъноси ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Мактабда каншофлар ташкилоти тузилса, уни бошқарувчи киши тайинланса, ташкилот тўғрисида замон талаби асосида Низом тайёрланса, мақсадга мувофиқ иш бўларди. Нима учун каншофлар ташкилоти тузилиши тарафдориман?

Тасаввуф илмининг кашфиётчиларидан бири имоми Жоруллоҳ Замахшарий «Қуръони карим» суралари, оятлари мазмунини «каншоф» номи билан тафсирини ёзган. Бу китоб ҳақида уламолар «Каншоф» тафсири бўлмаганда «Қуръони карим»нинг маънолари кашф бўлмай қоларди» деганлар. («Тавсири ҳилол», 1996). Демак, каншоф сўзи кашф этмоқ, яратмоқ, кашф этувчи деган маънони англатар экан.

Мактаб педагоглар кенгашида ишлаб чиқилган Низомда мактаб директори фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, директор ўринбосарларининг ҳуқуқ ва бурчлари, ўқитувчилар, ўқувчилар, синф раҳбарларининг вазифалари алоҳида банд қилиб кўрсатилиши керак.

Айрим мактаблар Низомидаги «Ўқувчи» бўлимида «Тантанали ваъда», «Ўқувчи учун қоида» ёзилган, лекин уларнинг мазмунида етишмовчиликлар учрамоқда. Шу сабабли ўз мулоҳаза ва фикрларимизни билдирмоқчимиз.

Тантанали ваъда берувчи ўқувчилик шаънини улуғлаш, устозлари, ўртоқларини ҳурматлашга ваъда бердими, уни бажаришда жавобгарликни ҳис қилади. Ваъдага вафо қилиш инсоннинг қадрини оширадиган кўркам ахлоқ қоидасидир. Узбекистон Республикасининг муқаддас рамзи бўлган байроғини ушлаган ўқувчидан ўйлайманки, ёмон ишлар чиқмайди.

Ватан остонадан бошланади. Ҳар бир оила жамиятнинг бир кичик мактабидир, дейишади. Демак, ҳар бир бола отаонаси, ака-укалари, опа-сингилларини ҳурматлайди. Оилада бола қариндош-уруғларини, маҳалла, қуни-қўшниларини ҳам шундай иззат-ҳурмат қилади. Шундай одамларни ҳурмат қилишга ўрганган бола ўз қишлоғини, шаҳрини, туман ва вилоятини, республикасини — Ватанини севади, ёшликдан бошлаб ватанпарвар бўлиб етишади. Бола учун ота-боболаримизнинг васиятлари муқаддасдир. Қуръони Карим таълимоти, Ҳадиси шарифлар, «Қобуснома», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби китоблардаги билим ва ахлоқу одоб ҳақидаги панд-насиҳатлар боланинг ўқиши, гўзал ҳаёт кечириши учун йўл кўрсатувчи бебаҳо манбалардир.

Мактаблар Низомида ёзилган ўқувчи учун қоидаларнинг мазмуни, бандлари ҳар хил. Лекин уларнинг барчасини умумлаштириш, бир мақсадга йўналтириш мумкин.

Мактабга дарс бошланмасдан 10-15 дақиқа олдинроқ келишга одатланиш, дарсдан кечга қолмаслик, озода ва тартибли юриш, мактабни, синф хоналарини саранжом-саришта сақлаш, саломлашиш одобини билиш ва ҳоказо.

Ўқувчи учун қоида ҳар бир шахсга қаратилган бўлиб, болаларга қарата «Сиз» деб мурожаат қилиш лозим. Сиз ҳам сен ҳам бир оғиздан чиқади. «Сиз» деган сўзнинг маъносида ҳурмат борлиги ҳаммага аён.

Қоидада дарсга кечикмасдан келиш, ўқувчилар кийимида юриш ҳақида, мактабга қимматбаҳо зеби-зийнатлар, кийимлар кийиб келиши мақтанчоқлик эканлиги ҳақида фикрлар юритилади. Бунда ўқувчи оддий ва камтар бўлишга одатланади. Ёшликдан кибр-ҳаволи, мақтанчоқ бўлмайди. Саломлашиш қоидасини ҳам кўпчилик ёшлар билишмайди. «Ассалому алайкум» сўзининг маъноси «Сизга тинчлик ва омонлик бўлсин» деганидир. «Ваалайкум ассалом»нинг маъноси эса «Сизга ҳам тинчлик ва омонлик бўлсин!». Очиқ чеҳра билан саломлашиш инсонга хос бўлган зийнатдир. Кишилар салом берганда ҳам, алик олганда ҳам сўзларни тўлиқ ва аниқ айтишлари лозим. Агар «Ассалому алайкум» деса «Сизга улим бўлсин» деган маънони билдиради, шу саломга «валайкум» деса «Сизга ҳам шуни тилайман» деганидир, демак салом берувчи ҳам, алик олувчи ҳам сўзларни тўлиқ айтмай, бир-бирларига улим тилаган буладилар. Баъзан кишилар «Ассалом» деб чала салом беришади, бу ҳам тўғри эмас. «Салом» дейиш ҳам хатолиқдир. Ўқувчилар бир-бирлари билан қўл бериб кўришишлари яхши, лекин ўғил болалар қиз болалар билан қўл беришиб кўришишлари шарт эмас. Ҳозирги пайтда кўпчилик ёшлар бир-бирларини оғизларидан, юзларидан ўпишиб кўришадилар. Бу одат Ислом маданиятига бутунлай хилофдир, иккинчидан турли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади.

Ўқувчи бировлар чақирганда, устозлари мурожаат қилганда, «лаббай», «эшитаман» деса, бу унинг одоблилигидан бир нишона. Республикамиз мактабларида ўқувчилар ўз ўқитувчиларини исми, отасининг исми билан Фотиҳ Каримович, Роза Абидовна, опа, ака, домла, муаллим, устоз деб мурожаат қиладилар. Улуғ алломаларимиз «Устоз отангдан улуғ» деб, устозни улуғлаганлар, шунинг учун ўқувчилар ўқитувчи-тарбиячиларини «Устоз» дегани яхши. Агар ўқитувчи бошқа миллатга мансуб бўлса, унинг истагига қараб мурожаат қилиши мумкин.

Узбекистон Республикасининг мадҳиясини ўқувчи ёддан билиши, куйлаш оҳангини ўзлаштириб олиши шарт. Республикамиз герби, байроғи қачон қабул қилинганлиги, белгилар таърифи, мазмуни ҳақида маълумотга эга бўлсин, ёдида сақласин, суралганда айтиб бериш, унга ҳурмат билан қарашга ургансин.

Урф-одатлар ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатади. Халқимизнинг Наврўз, Ҳайит, ақиқа, тўй-тантана, меҳмондўстлик, санъатни намойиш қилувчи одатлари ҳаммага шодлик келтиради. Ақиқани бола туғилгандан сўнг 7-21 кун орасида ўтказиш ота-боболаримиздан қолган одатдир. Ўқувчиларнинг туғилган кунларини мактабда ўз ўртоқлари олдида эслаб, икки оғиз ширин сўз билан табриклаш мақсадга мувофиқдир. Ёш болалар учун дабдабали дастурхонлар ёзиш, хонадонига ўртоқларини таклиф қилиб тантанали ўтказиш одат тусига кирмаслиги керак. Бундай ҳаракатлар болани текинхўрлик, таъмагирлик, боқимандаликка ўргатади. Туғилган кунимни ота-онам тантанали ўтказиб беради, деган тушунча пайдо бўлади.

Қадрият — ҳаётимиздаги муайян ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Республикамизда «Соғлом авлод учун» шиори остида жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чекиш инсон соғлиғи учун зарарли эканлиги ҳаммага маълум. Дунё буйича сигарета чекиб касалланган кишилардан биттаси ҳар 10 секундда ўлаётганлиги матбуотда эълон қилинди. Чекиш шунчалик зарарли экан, нега айрим ўқувчилар сигарета чекади?

Ҳатто, олимларимиз тамаки тутуни ҳужайраларининг генетик бузилишларга ҳам олиб келишини текширувда исботлаб бердилар. Чекишга урганган авлодимиз келажакда ногирон, мажруҳ фарзанд кўрсалар нима бўлади?

Ўқувчи учун қоидани ҳаётга тадбиқ этиш, ҳар бир боланинг қалбига сингдириш жуда кўп меҳнатни тақозо этади. Биринчи синфдан бошлаб тарбиявий соатларда қоиданинг ҳар бир банди юзасидан суҳбат ўтказиш, ўқувчининг ўзига гапиртириш, боланинг ўз мулоҳазалари билан иштирок этиши, тарбиянинг мақсадини юрақдан ҳис этиб, билиб олиши муҳимдир.

Мактаб маъмурияти, ўқитувчи-тарбиячилар ўз мактаблари шароитини ҳисобга олиб ўқувчи учун қоидага ўзгартишлар, қўшимчалар қўшиб, Низомда кўрсатишлари мумкин.

Ҳар бир қилинган иш ниятга боғлиқ. Менинг ниятим ва орзуим мактабларда таълим-тарбия ишлари такомиллашса, усиб келаётган ёш авлод замонамизнинг етук кишилари бўлиб етишса, ўз Ватанига ва халқига садоқатли бўлса, дейман.

Ҳикматулла АБДУЛЛАЕВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти доценти, мактабшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

1997 yil — Inson manfaatlari yili

АФСУС ЭМАС, ҚУВОНЧ

Мамлакатимизда 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши, аввало, инсон қадрини ўз ўрнига қўйиш мақсадига ҳам бўйсундирилгандир. Бу фикр яқинда Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 20-ўрта мактабда ўтказилган катта байрам тантанасида ўз исботида топди. Унда маҳалла оқсоқоллари, фахрий муаллимлар, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар. Қуюқ тузалган катта давра столи атрофида ёшу қарилар байрам қилиб ўтиришди. Даврадан кечгача шўх ялалар, ўйин-кулгулар аримади. Ичакузди аскиялар ҳам бўлди. Бу шодиёнанинг сабабчилари — мактабдан кексалиқ нафақасига кузатилаётган муаллимлари Нишонбой Қамбаров, Қумрихон Аҳмаджонова, Муҳаррамхон Сайдазимова, Раҳимахон Раҳматуллаева ҳамда Гулнорахон Жўраевалар эдилар. Устозлар шаънига уларнинг шогирдлари, қариндош-уруғлари, ўғил-қизлари, набиралари илиқ сўзлар айтишди, қучоқ-қучоқ гуллар, қимматбаҳо ва эсдалик совғаларини топширишди.

Тўй сабабчиларининг кўзларига қатра ёшлар инди. Бу — уларнинг мактаб жамоасида, туман халқ таълими бўлимида, қолаверса, бутун бошли туманда ўз қадр-қимматларининг юксакликка кўтарилаётганидан, меҳнатларининг зое кетмаганидан, муносиб шогирдлар тайёрлай олганларидан, шу ёшгача эсон-омон етиб келганларидан хурсандлик аломатлари эди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ОНА ТИЛИ САҲНАСИДА

Она тили таълими дастурида синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва уни ўтказишга алоҳида урин берилган. Тажрибалардан шу нарса аёнки, она тили таълими синфдан ташқари ишлар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилган тақдирдагина ўқувчиларнинг она тилига бўлган қизиқишлари ортиб боради, уларнинг нутқи равонланади, фикр доираси ўсади. Айниқса, бу уринда қўйи синфларда уюштириладиган адабий-грамматик композицияларнинг роли беқиёсдир. Шу маънода биз «Равиш — сўз туркуми» юзасидан ўтказиладиган грамматик композицияни қизиқарли ва мазмунли уюштириш учун унинг режасини қўйидаги тартибда тўздик:

1. «Равиш ва унинг маъно турлари»нинг чиқишлари.
2. «Фикрла, ўйла, топ» баҳси.
3. Фаол ўқувчиларни тақдирлаш.
4. Грамматик композицияни якунлаш.

Бунда бошловчи «Равиш ва унинг маъно турлари» ролларини ижро этувчиларни саҳнага таклиф этади. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини назмий тилда баён қилишади.

БОШЛОВЧИ:
— Болажонлар, тинглангиз,
Фикрингизни бўлмангиз.
Хушхабар бор сизларга,
Топқир ўғил-қизларга.
Мустақил сўзлардан бир,
Меҳмон келган бизга зур!
Кўпдан навбатин кутиб.
Турар толмай саф тортиб
Унда ғиж-ғиж маъно бор:
Шунинг-чун билмоқ даркор.
Ким деб, қилмангиз миш-миш,
Узим айтай: Бу — РАВИШ.

«Равиш» деган ёзув билан бир ўқувчи даврага чиқиб келади ва сўз бошлайди:

РАВИШ:
— Раҳмат, сизларга раҳмат,
Ҳурсандман беҳад-беҳад.
Энди бошлай ўз сўзим,
Шовқин солмай бўлинг жим!
Ҳаракат ва ҳолатнинг
Белгисин билдирарман
Гапда эса ҳамиша,
Бил, ҳол бўлиб келарман.
Қандай? Қачон? Қаерда?
Каби суроқ берарман.
Феъл дўстимга ҳар ерда
Мен боғланиб турарман.
Бордир яна кўп сирим,
Маънога кўра турим.
Бири ҳолат, бири пайт,
Сўнгтиси эса — урин.
Ана сўйлай деб ўзим,
Келди ҳолат тўнгичим.

«Ҳолат равиши» деган ёзув билан бир ўқувчи кириб келади ва сўз бошлайди:

ҲОЛАТ РАВИШИ:
— Ҳаракатнинг қай тарзда?
Секин-ми ёки аста?
Ё пиёда, ё яёв,
Гоҳ тасодиф, гоҳ дарров
Шу каби кўп вазифам,
Билсангиз қизиқ бирам!
Қандай? Қай тарзда? — деган
Бордир саволларим ҳам.
Адаштирманг мени лек,
Пайт равиш укам билан.

ПАЙТ РАВИШИ:
— Ҳа, рост ҳолат акажон,
Бизда янглишмоқ ёмон.
Бордир уз вазифамиз
Лек иноқмиз ҳаммамиз.
Сиздан фарқли улароқ.
Узга белгим бор ҳар чоқ.
Ҳаракатнинг бажарилиш,
Пайти сўзимга гувоҳ.
Саволим ҳам бир талай,
Энди бирма-бир сандай:
Қачон? Қачондан бери?
Қачондан? Қачонгача?
Тунов кун, ё илгари
Бугун, эрта, ё кеча
Қадим, бурун, ё ҳаёнда
Яқинда, ё шу онда.
Шундай кўпдир сўзларим
Билинг ўғил-қизларим.
Ҳар доим мен сизга дўст.
Ўқингиз кеча-кундуз.

УРИН РАВИШИ:
— Бўлди ака, сўз бизга,
Боринг ўз ўрнингизга
Энди мен қилай баён
Ҳаммага бўлсин аён.
Ҳаракатнинг бажарилиш
Ўрнини билдирарман.
Шунинг-чун ўрин равиш,
Деган номда келарман.
Қаерга? Қаердан? — деб
Саволлар ҳам берарман.
Бу ерда, гоҳ бу ёққа
Олдинда ё узоқда.
Юқорида, туманда.
Хуллас, бор сирим шунда!

МИҚДОР РАВИШИ:
— Хурсандман ғоят-ғоят,
Сўз бердингиз ниҳоят.
Предметнинг ноаниқ
Миқдори мендадир жам.
Қанча? Қанчалаб? — дея
Савол берарман ҳар дам!
Оз-оздан билсангизку-я!
Зарари йўқ сира ҳам!

Бирдан «Сабаб равиши» ва «Мақсад равиши» деб ёзилган ёзув билан икки ўқувчи ҳаллослаб даврага чиқиб келади, бири ўтириб, бири сўз бошлайди.

САБАБ РАВИШИ:
— Вой етиб келдик биз ҳам,
Мақсад равишжон билан.
Дастлаб мен сўйлай ўзим,
Сен дам ол, МАҚСАД қўзим!
Ҳаракатнинг бажарилиш
Сабабин мендан англанг.
Ноилож қилиб ташвиш
Судралиб келдим аранг,
Не сабабдан? Не учун? —
Деб бирдан савол берсанг,
Сўрогим шу, эй Учқун,
Гар диққат қилган бўлсанг.
Қисқаси, шу таърифим,
Зерикмадими ҳеч ким?
Бўлмаса, МАҚСАД келгин
Узингни баён қилгин!
— Мақсад бор ҳар ишимда.
Сирим ҳам ана шунда!
Не мақсадда? Не учун? —
Десам қилмагин канда.
Шул эрур суроқларим,
Эй, қувноқ ўртоқларим.

ЯНА РАВИШ сўнгти сўзни олади:
— Бизни олсангиз билиб,
Юрмассиз ҳеч қийналиб,
Ошарсиз довон-довон,
Элда бор — шу бир мақол:
Интилганга толе ёр!!!
Миннатдорман сизлардан.
Топқир ўғил-қизлардан.
Хайр хушвақт бўлингиз.
Қувнаб-яйраб юрингиз!

Композиция сўнгтида фаол қатнашган ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланади, қисқаси VII синфда мана шундай тадбирларни мунтазам ташкил этиш мактаб она тили ўқитувчисидан ижодкорликни талаб этади. Худди шундай композицияни бошқа сўз туркумлари юзасидан ҳам ўтказиши мумкин.

Норбўта ЭРГАШЕВ,
Қарши давлат университети ўзбек тили ва адабиёти факультетининг катта ўқитувчиси.
Зулайҳо АВЛИЕВА,
Шаҳрисабз тумани С. Муродов номли мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

Ertaga — tibbiyot xodimlari kuni

БОЛАЛАРГА БОЛДЕК СЎЗ КЕРАК

Соғлом авлодни камол топтиришда масъулият юкининг бир қисми шифокорлар елкасида эканлиги сир эмас. Чунки авлод тану жонининг, вужудининг саломатлиги улар қўлида. Соғлом танда эса соғлом ақл, соғлом фикр бўлади.

Биз Тошкент давлат педиатрия институти қошидаги болалар тери-таносил касалликлари клиникасининг бўлим мудири, олий даражадаги шифокор Мухтор Мукаррамов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Мухтор ака, назаримда, сизларнинг болалар тери-таносил касалликлари шифохонаси янгига ўхшайди? У қачон ташкил этилган?

— Бизнинг бу клиника 1992 йил алоҳида бўлиб, Тошкент давлат педиатрия институтининг тери-таносил касалликлари кафедраси қошида ташкил этилди. Шу пайттача тери-таносил касалликлари билан оғриган болалар ҳам 3-шаҳар шифохонасида даволанаверар, бу ҳол болалар шифокорлари учун анча қийинчиликлар туғдирар эди. Аммо, болалар тери-таносил касалликлари клиникасининг ажралиб чиқиши осонликча кечган эмас. Бунинг учун қанча-қанча югур-югур, асаббузарликлар бўлиб ўтди. Хусусан, ҳурматли устозларимиз: Х. Шодиев, К. Сулаймоновларнинг бу хайрли ишда хизматлари катта бўлди.

— Мухтор ака, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар пайти, дори-дармон, моддий жиҳозлар масалалари қандай бўлянти?

— Дарҳақиқат, моддий-иқтисодий қийинчиликлар бизларда ҳам бор. Бироқ барча камчиликларни иқтисодий тангликнинг елкасига ағдариб, қўл қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди. Биз беморлар учун етарли шарт-шароит яратиб бериш учун бутун имкониятларни ишга соляпмиз. Шифохонамизда дори-дармонлар, медицина анжомлари етарли. Керак пайти пойтахтимиздаги баъзи бир савобталаб фирмалар бизга кўмак қўлини чўзишяпти.

— Домла, сизларда кадрлар масаласи қандай? Бу ерда фаолият кўрсатаётган шифокорлардан кўнглингиз тўқми?

— Албатта, шифохонамиз ходимлари ўз ишларини севишади. Айниқса, болалар психологиясини жуда яхши билишади. Чунки бемор болаларнинг соғайиб кетиши учун нафақат дори-дармон, балки болдек ширин сўз ҳам керак. Дарвоқе, шифокорларимизнинг кўпчилиги ёш, изланувчан. Уларнинг кўпчилиги иш давомида илмий фаолият ҳам олиб боришаётир. Хусусан, Р. Жўраева, У. Рихсиев, А. Маннопов ҳақида, уларнинг билимга, тажрибага интилувчанлиги ҳақида илиқ сўзлар айтиш мумкин.

Суҳбатдош Луқмон БЎРИХОН, «Маърифат»нинг махсус мухбири.



СУРАТДА: тиббиёт ходимлари иш устида.

Xullas...

СУВДАН ҚУРУҚ ЧИҚДИ

Боку политехника институтининг талабаси Ш. Жаъфар ўғли шаҳар ички ишлар бошқармасига шалвираб кириб келди. Масъул ходимлар ундан ҳол-аҳвол сўрашганда Ш. Жаъфар ўғли ёрилди: институтнинг қаттиққўл домлаларидан бири имтиҳондан ўтказиб қўйиш учун талабадан «соққа» талаб қилибди.

Тезкор гуруҳ дарҳол оёққа қалқди. Домлага узатиш учун Ш. Жаъфар ўғлига махсус текширув пулларини беришди, керакли йўл-йўриқларни кўрсатишди.

Ш. Жаъфар ўғли айнан тайинлангандек, домлага «узатиб» чиққач, тезкор гуруҳ ходимлари таъмагир устозни ҳашаматли хонасидаёқ қўлга олишди, бироқ... домланинг айбини бўйнига қўймай кечирим сўрашга мажбур бўлишди. Чунки Ш. Жаъфар ўғли довдираб қолганидан махсус текширув пулини эмас, янги костюм харид қилиш учун чўнтагида асраб юрган жамғармасини домлага узатиб юборган экан.

СЕП — КЕЛИНГА ЗЕБ,

ота-онага эса турганбиттани ташвиш, бош оғриғи. Ишонмасангиз, қиз узатган хонадонга бир бош суқиб, ҳасрат достонини тингланг. Тағин, бу бизнинг шарқона одат, деб мақтаниб қўямиз. Аммо, ғарбликлар ҳам қизга сеп қилиш пойгасида биздан қолишмас экан. Даниялик Симон Штурби деган бойваччa қизи Еленани кўз кўриб, қулоқ эшитмаган сеп билан узатди. Ҳисоб-китобларга қараганда тақдим этилган сеп — 8 милён фунт стерлинглик қийматга тенг экан!

ЧЕКИШ СОҒЛИҚҚА ЗАРАР,

чўнтакка-чи? Ҳолливуднинг энг машҳур кино юлдузлари сигарет маҳсулотларини реклама қилиш орқали ҳар йили 200 миллион доллар миқдорида даромад олишар экан.

Яқинда машҳур актёр Чак Норисс чекишни қоралаб реклама бермоқчи эканлигини кенг жамоатчиликка маълум қилди. Бироқ дафъатан яна жимиб кетди. Чунки сигарет корчалонлари Чак Норисса, бу «шаккок» фикридан қайтиши учунгина 400 милён доллар миқдорида «ҳадя» беришган эди-да.. (Уфф, битта чекайлик ...)

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

СПОРТ ҚУДРАТИМИ?

Ёки машҳур спортчининг довруғи?

Қайсиниси бўлгандаям Нигерия билан Биафра ўртасида қонли уруш кетаётган бир пайтда машҳур футболчи Пеле иштирок этадиган ўйинни кўриш учун томонлар урушни тўхтатиб, икки кунга яраш битими тузишган.

ОТИМ БОР, ДЕСАНГ АРЗИГУЛИК

Дунёнинг энг йўрға спортчи отларидан саналмиш Сигар (лақаби) эгаси Аллен Помон жанобларининг довруғини дунёга ёйди. Яқинда Сигарга японлар нақд 30 миллион доллар эвазига харидор бўлишди! Лекин рад жавобини олишди. А. Поллон отини от заводларидан бирининг 75 фоиз акцияси ҳисобига сотмоқчи эканлигини билдирди. **«Ҳар не бўлганда ҳам бу жониворнинг Америка Қўшма Штатларида қолгани маъқул-да»** — дейди у ғурур билан.

МАҲОРАТ ЗАФАР ГАРОВИ

Японияда гандбол бўйича эркаклар ўртасида жаҳон чемпионати якунланди. Унда рақибларидан ҳар тарафлама устунликларини намоён этган Россия терма жамоаси зафар қучишиб, чемпионатнинг бош совринини қўлга киритишди.

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Футбол бўйича олий табақа вакиллари миллий чемпионатнинг 12-тур учрашувларини ўтказишди. «Пахтакор» — «Хоразм» ўйинида ҳисоб очилмади. Қолган учрашувлар натижалари: «Афросиёб» — «Нефтчи» — 0:2, «Янгиер» — МҲСК — 1:3, «Навбаҳор» — «Косонсой» — 5:0, «Сўғдиёна» — «Сурхон» — 1:1, «Насаф» — «Атласчи» — 1:0, «Андижон» — «Бухоро» — 1:0, «Дўстлик» — «Зарафшон» — 4:1, «Чилонзор» — «Трактор» — 2:1.

«АМЕРИКАЧА» ХОККЕЙ

АҚШда хоккей мухлислари қизиқарли ўйиндан кўра кўпроқ ўйинчиларнинг муштлашишларини томоша қилиш учун стадионларни тўлдириб ўтиришар экан. Шу сабабли ўйинчиларни ҳам ёшлигидан «жанг»га тайёрлаб боришар экан. Негаки ўйинчи қанчалик маҳоратли бўлмасин муштлашишни билмаса МХЛдан ўз ўрнини топиши қийин, устига-устак энг жанжалкаш ўйинчи энг кўп соққа олар экан. Буни қаранг-а.



«Тарих саҳифаларида» топқирлик машқи

Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзлар шаклида «занжир» ҳолида ёзилади.

1. Амударё этакларида X аср охирларида ташкил топган давлат. 2. Марказий Осиёдаги икки дарё оралиғидаги ҳудуднинг қадимий номи. 3. Буюк фалакиётшунос олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек бунёд эттирган коинотни кузатиш иншооти. 4. Энг қадимги, муқаддас китоблардан бири. 5. Ибтидоий маданият қолдиқлари сақланган Тошкент вилоятидаги ғор. 6. Ўтмишга мансуб одам ва буюк қолдиқлари топилган Бойсунтоғдаги ғор. 7. Тошкентнинг илк номларидан бири. 8. Ватанпарварлик, жангнома мазмунидаги афсона. 9. XVIII-XIX асрларда мавжуд бўлган хонлик маркази. 10. «Бухоро тарихи» асарини ёзган X аср олими. 11. Воқеа ва ҳодисалар силсиласи акс эттирилган тарихий асар. 12. Ҳозирги Наманган вилояти ҳудудида жойлашган ўрта асрга мансуб йирик шаҳар. 13. Марказий Осиё халқлари орасида машҳур бўлган ватанпарвар, жасоратли аёл ҳақидаги афсона. 14. Милоддан аввалги VII-VI асрларга мансуб давлатлардан бири. 15. Термиз шаҳри шарқида, Амударё яқинида жойлашган Бақтрия ва Кушон подшолиқларига мансуб хароба. 16. Алишер Навоий таклифи билан «Равзат ус-сафо»фи сийрат иланбиё ва-л-мулк ва-л-хулафо» (Набилар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғи») асарини ёзган тарихчи. 17. Хива ва Бухоро хонликларида вазирлик маҳкамаси бошлиғи. 18. Хиванинг меъморлик обидаларидан таркиб топган шаҳристон қисми. 19. Ўрта асрларда араблардан бошқа мамлакатларнинг умумий атамаси. 20. XVI асрда Дашти Қипчоқдан Марказий Осиёга келиб жойлашган қабилалардан бири. 21. Марказий Осиёдаги пасттекислик. 22. 1905-1907 йиллардаги чоризм истибдоди даврида Самарқанд атрофида қўтарилган халқ ҳаракати йўлбошчиси. 23. Бухоро амири Музаффар ва чоризм босқинчилари генерали К. Кауфман қўмондонлигидаги қўшинлар ўртасида 1868 йили бўлиб ўтган жангнома. 24. Ибтидоий жамоа даврида сўнг бошланган ижтимоий тузум. 25. Бақтрия қабилаларининг бири бошчилиги билан милоддинг бошларида таркиб топган подшолик давлати.

Энди машқ жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси жавоб тартибини, иккинчи ҳарфи тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

4-5, 6-2, 13-3, 21-2, 24-6, 12-7, 2-7, 23-1. 25-2, 24-9, 18-7, 1-4, 2-5, 5-3, 15-1, 23-7, 8-2, 3-6, 7-2, 10-1. 20-6, 9-2, 13-5, 9-3. 14-1, 16-5, 14-3, 21-2, 22-1, 17-9, 11-1.

Унда нодир тарихий асар ва уни ўзбек тилига илк таржима қилган олим, тарихчи ва саркарданинг исм-шарифи аён булади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Газетамизнинг 7 июнь сонида берилган «Она табиат» топқирлик машқининг жавоблари:

1. Орол. 2. Лочин. 3. Нурота. 4. Амударё. 5. Ёнгоқ. 6. Қорақум. 7. Муҳаммаджонов. 8. Воҳа. 9. Адир. 10 Розмарин. 11. Наъматак. 12. Кенгуру. 13. Успорт. 14. Тешиктош. 15. Шотут. 16. Терак. 17. Кактус. 18. Сух. 19. Хонгул. 20. Лайлак. 21. Кокос. 22. Сув. 23. Водий. 24. Йўлбарс. 25. Симоб. 26. Боғ. 27. Ғор. 28. Ратно.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Маъсудахон МУЙДИНОВА!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ишингизда муваффақиятлар тилаймиз. Ҳурмат билан

Олтинкўл туманидаги 22-ўрта мактаб жамоаси.

Oltin yoz — o'tsin soz!

«НИЛУФАР»ГА МЕҲРИМ ТУШДИ

Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги тоғлар орасида «Ўзулгуржибиржасавдо» бирлашмасига қарашли «Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи (БСО) фаолият кўрсатаяпти. У ерда ўғил-қизлар учун қулай шарт-шароитлар муҳайё этилган.

— Бу йил оромгоҳимизда ёз бўйи 8 та гуруҳда 750-800 нафар бола дам олади, — деди БСО бошлиғи Аъзам Холмуҳамедов. — Ўғил-қизларнинг яхши ҳордиқ чиқариши учун режа ва тадбирлар белгиланган. Бош ошпаз Носир Маъруфов, ошпазлар Содиқ Йўлдошев ва Шавкат Тожихонов, озиқ-овқат маҳсулотлари етказувчи Аҳмад Эргашев, ҳайдовчи Толиб Абдуваҳобов жонбозликлари туфайли болалар мунтазам равишда юқори сифатли таомлар, пишириқлар билан таъминланяпти. Дам олувчиларга меҳр-муҳаббат бағишлаб, уларнинг ҳар кунини хушчақчақ ва самарали ўтказишда ходимларимиздан Раҳимберди Маллабоев, Шоира Турсуновалар ҳиссалари катта бўлаётир.

— Мен «Нилуфар» оромгоҳига учинчи бор келишим, — деди 3-гуруҳ аъзоси Сарвар Мақсудов. — Бу ерда зерикиш нималигини билмаймиз.

Дарҳақиқат, ўғил-қизлар 5 та тўғарак ишига фаол қатнашадилар. Улар учун доимо сайру саёҳат, спорт ўйинлари уюштирилади. Тарбиячилар, гуруҳ етакчилари ҳар хил тадбирларни ўйлаб топишади. Ҳуллас, «Нилуфар» болаларга ёқиб қолди.

У. УСМОНОВ.

Yulduzlar olamiga yo'l

КОМЕТАЛАР ВА ҚУЁШ

Кометалар Қуёшдан узоқлашганидан кейин кучсиз нурланадиган бўлиб қолади. Қуёшга яқинлашганда эса думлари пайдо бўлади. У Қуёшга қарама-қарши томон йўналган. Айниқса, ёруғ кометаларнинг ҳар хил узунликдаги ва ранглари ҳар хил бўлган думлари бўлади. Комета сўзи юнонча kometes деган сўздан олинган бўлиб, узун сочли деган маъноні билдиради, чунки ёруғ комета узун сочлари ёйилган бош кўринишида бўлади.

Кометалар Қуёш системасининг кичик жисмлари бўлиб, улар Қуёш атрофида чўзинчоқ орбиталар бўйлаб ҳаракатланади. Қуёшга яқинлашганда газ ва чангдан иборат «дум»лари пайдо бўлади. Қуёшдан узоқлашган комета қаттиқ жисмдан иборат бўлиб, бу кометанинг ядроси дейилади. Кометаларнинг ядролари катталик жиҳатдан астероидлардан (кичик сайёралардан) кичик бўлади, шунинг учун улар Қуёшдан узоқлашганида уларни кўриш, кузатиш қийин бўлади. Фақат Қуёшга яқинлашганларидагина уларни телескоп ёрдамида кузатиш мумкин бўлади. Баъзан телескопсиз ҳам кўриш мумкин. Фақат шундагина Кометанинг ўзига хос тараққиёти (кетма-кет ўзгариши) содир бўлади: Қуёш нурланиши таъсирида комета ядросидан чанг ва газлар ажралиб чиқа бошлайди. Аввало комета ядроси атрофида чанг ва газлардан иборат қобиқ — кома, газлар ва чанглардан иборат думи пайдо бўлади. Шундай қилиб, комета Қуёшга яқинлашгандагина жуда катталашиб кетади. Қуёшдан узоқлашган сайин кометанинг думи ва комаси кичрая боради ва йўқ бўлади, уни катта телескоплар ёрдамида ҳам кўриш қийинлашади.

Кометалар уларни очган ва ўрганган олимлар, кузатувчилар номи билан аталади (номланади) ва орбиталарнинг перигелийларидан ўтиш вақтлари билан каталога ёзиб қўйилади (масалан, Э. Галлей, И. Ф. Энке—О. А. Баклунд, С. Аренд, Г. Ролан, Д. Морхауз кометалари ва бошқалар). Кометалар ядроларининг массаси 10^{11} кг.дан 10^{15} кг.гача, бошларининг диаметри 10^3 км.дан 10^6 км.гача. Кометанинг думи бир неча юз миллион км.га етиши мумкин. Кометанинг комаси ва думида газ ва чанг жуда сийрак: масалан, газлар думининг 1 $м^3$ ҳажмида 10^8 заррача булади. Кометалар Қуёш атрофида эллиптик орбиталар бўйлаб ҳаракатланади. Кўпчилик кометалар жуда чўзинчоқ эллиптик орбиталар бўйлаб ҳаракатланганидан уларнинг Қуёш атрофидаги айланиш даври катта бўлади. Айланиш даври кичик бўлган кометалар ҳам бор. Даври катта бўлган Галлей кометаси 1986 йилда Қуёш атрофига келган эди. Энди у 2061 йилда яна келади, чунки унинг даври —75 йил (1911 йилда ҳам келган). К. Энке-Баклунд кометасининг даври — 3 йил (унинг орбитаси Юпитер орбитасининг ичида). Кометаларнинг орбиталари Қуёш системасининг катта сайёралари таъсирида (айниқса, Юпитер таъсирида) ўзгара боради. Бу ўзгаришлар компютерлаштирилган осмон механикаси усуллари ёрдамида аниқланмоқда. Ф. Бегсал ва Ф. А. Бредихинлар кометалар формаларининг механик назарияси ни ривожлантириб кометалар думларининг турларини тушунтириб бердилар, тўғри чизиқлиси газлардан, эгилганлари чанглардан иборатлигини аниқладилар. Кометадан Қуёшгача бўлган масофанинг ўзгариши билан формаси ва ўлчовлари ўзгара боришини очдилар. Кометадаги нурланиш, асосан унинг боши ва думидаги икки атомли молекулаларнинг, яъни C_2, CN, CH, OH, NHнинг нурланиши билан боғлиқ.

Комета ядроси Қуёшга 600 ÷ 900 миллион км. масофага яқинлашиб келганида кузатилиши мумкин. Чанг ва қум аралашган қор ғувалаги каби бўлиб кўринади. Қуёшга яқинлашган сайин унинг нури таъсирида комета ядроси қизиб узидан газ ва чанг чиқара бошлайди. Шу газлар ва чанглар унинг тумансимон қобиғини — атмосферасини ташкил эта боради. Кометанинг бу тумансимон қобиғига комаси дейилади. Кометанинг ядроси билан комасига унинг боши дейилади, унинг ёруглиги четига қараб камая боради. Одатда кометанинг ядроси атмосферасини ушлаб қолишга кучи етмайди, атмосферасининг газлари ва чанглари атроф фазога тарқалаверади. Комета Қуёшга яқинлашганида унинг атмосферасига Қуёш нурларининг ва Қуёш «шамоли»нинг босим кучлари сезиларли таъсир эта бошлайди, думларидаги ионлашган газлар ва чанглар Қуёшга қарама-қарши тарафга ҳаракатланади. Унинг комасидаги каттароқ қаттиқ заррачалар Қуёш нури босим кучлари ва газлар босим кучлари таъсирида ядрога нисбатан ҳаракатланиб комета орбитаси бўйлаб метеор галаларини ҳосил қилади.

(Давоми бор).

ОХИРАТИНГИЗ ОБОД БЎЛСИН

Олийжаноб инсон, устоз, меҳрибон она, одил раҳбар, тармоқ касаба уюшмаси фахрийси, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика қўмитасининг собиқ раиси, меҳнат фахрияси Эркиной КОМИЛОВА оламдан кўз юмди.

Э. Комилова ўз меҳнат фаолиятини 1950 йилда Қарши шаҳридаги 2-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, 1964 йилга қадар ёш авлодни тарбиялашда, уларга зиё тарқатишда бор билимини аямай хизмат қилди. 1964 йилда Қашқадарё вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимига сайланди. Сўнгра Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашида, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида бир қатор раҳбарлик лавозимларида ишлаб келди.

1976-1986 йилларда Ўзбекистон Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика қўмитасининг раиси лавозимида фаолият кўрсатди.

Э. Комилова қайси поғонада ишламасин, ўзининг бор билими, меҳнати, талабчанлиги ва инсоний фазилатларини соҳа ходимларининг, талаба-ўқувчилар ва фахрийларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва соғлиқларини мустаҳкамлашга қаратди. Ташаббускор раҳбар, тўғри сўз инсон, заҳматкаш устоз сифатида республика касаба уюшмаси фаоллари, халқ таълими ходимлари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Унинг инсоний фазилатлари, таълим ва фан ходимларининг муаммоларини ҳал этиш ва муҳофазалашга қаратилган фаолияти доимо ёдимизда қолади.

Аллоҳ ўзи раҳмат қилсин!

Оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этиб,

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.

ЭЪЛОН

Инглиз тилини ўргатаман, таржима қиламан: Тел: 47-48-71.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Павел Щукинов номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 90-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Алишер Назаров номига берилган АО 002539 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат университети ректорати ва механика-математика факультети жамоаси шу факультет профессори, умумий механика кафедраси мудири

Аҳмад АЗИЗОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшмаси ва тарих факультети жамоаси факультет деканати котибаси Н. Зокировага онаси

Рихси ЗОКИРОВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва механика-математика факультети жамоаси факультет декани, профессор Гулмирза Худойбергановга онаси

Ҳалима ШЕРИМБЕТОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0379. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.